

ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН  
ШАРТНОМА № 104215

24.06.2022 йил

Наманган шаҳри

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали номидан Низом асосида иш юритувчи директор С. Муминов бир томондан ва кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритиладиган «PROEKT-SERVIS» масъулияти чекланган жамияти номидан Низом асосида иш юритувчи фирма директори В. Садовников иккинчи томондан, мазкур Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий марказ Наманган филиали бино иншоотларини жорий таъмирлаш объекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш шартномасини тузиб имзоладилар.

### I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. Бажарувчи мазкур шартнома шартларига кўра лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш (ЛСХ си ва бирламчи лойиха олди хужжатлари билан бирга) лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Бажарувчига лойиха-смета хужжатларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва инвестор томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2.1. Мазкур шартнома бўйича, ишчи лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш учун Бажарувчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати жорий нархларда ККС билан 26 752 000 (йигирма олти миллион етти юз эллик икки минг) сўмни ташкил этади

2.2 Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиш мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ✓ ишлар қиймагини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ✓ ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

2.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи, Бажарувчи ўртасидаги шартномага кўшимча келишув битими билан расмийлаштирилади.

### III. БАЖАРУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича Бажарувчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

✓ барча ишларини мазкур шартномада ҳамда 22.06.2022 йилдаги №104215-сонли баённомага мувофиқ лойиха ишларни бажариш учун смета назарда тутилган ва муддатларда ўз кучи билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

✓ ишларни бажариш давомида Буюртмачи томонидан талаб қилиб бориладиган маълумотлар ва шошилинч (оператив) сўровларни ўз вақтида ҳамда белгиланган муддатларда тақдим этиш;

✓ бажарувчи томонидан объект бўйича тайёрланган (ишлаб чиқарилган) лойиха смета-хужжатларидаги қабул қилинган лойиха ечимлари ва ҳисоб китоб ишлари бўйича кейинчалик аниқланган камчиликлар қолдириб кетилган иш ҳажмларидаги йўл қўйилган хатоликлар натижасида етказилган зарарларни бажарувчи томонидан тўла қоплайди;

✓ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. Бажарувчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда тайёр муҳандислик ҳисобларини ўз вақтида топшириш учун Буюртмачи олдида тўлиқ ҳамда мулкий жавоб беради.

### IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

✓ ишлар бажарилиши шартномада қайд этилган Бажарувчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Бажарувчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

✓ Бажарувчининг барча мурожаатларини 10 (ўн) кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

✓ Бажарувчига инвестор томонидан ажратилган маблағлари ҳисобидан аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

✓ Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш

мажбуриятини олади.

## V. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

5.1. Буюртмачи Бажарувчига шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий қийматининг 30 % фоизини олдиндан тулаб беради колган 70% ни бажарилган ишлар далолатномаси имзолангандан сўнг тулов амалга оширилади.

## VI. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатларни юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Бажарувчи ва Буюртмачи ишларни давом этдириш ёки уларни вақтинча тўхтатиб туриш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармасдан ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

✓ иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

✓ Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, инвестор томонидан ажратилган маблағни ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

✓ Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларини ўз вақтида бажармаганлиги бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

✓ Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Бажарувчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

✓ Пеня тўлаш Бажарувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

## VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Наманган туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## IX. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

9.1 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

9.2 Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

9.3 Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

9.5 Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

9.6 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

9.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб,

- тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугагандан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликни;

- тарафлар шартномадаги корупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган корупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлашни;

- ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда норасмий пул ёки моддий қийматликлар олинишда йўл қўйилмаслик ва таклиф этмасликни кафолатлайди.

9.9 Мазкур шартнома 2 нусхада тузилди.

9.10 Шартнома ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга кирилади ҳамда 31.12.2022 йилгача амал қилади.

### IX. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

#### БУЮРТМАЧИ:

Республика ихтисослаштирилган кардиология  
илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган  
филиали

Манзил: Наманган вилояти, Наманган шаҳар,  
Тўрақўрғон кўчаси 205-уй

ш/х\*:

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 200 055 661  
ОКЭД: 91511

Ғазначилик бўлими номи: Ўзбекистон  
Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги  
Ғазна х/в.: 2340 2000 3001 0000 1010  
Тошкент шаҳри Марказий Банк ХККМ  
МФО: 00014, СТИРи: 201 122 919

#### БАЖАРУВЧИ:

“PROEKT-SERVIS” МЧЖ

Манзил: Наманган вилояти, Наманган шаҳар,  
шимлий саноат ҳудуди (олдинги 362-ПМК)  
Банк: “Асака банк” Наманган вилоят филиали  
Х/р : 20208000300312803001  
МФО:00231

СТИР: 200038319

ХХТУТ:071110

Тел/факс: +998-69-234-06-57\ 234-06-58

E-mail: proect\_servis@mail.ru



Директор:  С. Муминов



Директор:  В. Садовников

#### Хуқуқий экспертиза-хулосаси

Ушбу пудрат шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб, шартнома лойиҳаси қонунчилик ҳужжатларига мос келишлигини аниқладим.

Шу сабабли, ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Компания ҳуқуқий маслаҳатчиси  «24» 06 2022 йил

## МУҲОКАМА АХБОРОТИ

“27” июнь 2022 йил

Наманган шаҳар

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали ташкилоти томонидан давлат харидлари электрон порталига 2022 йил 13 июнда 104215-сонли лотга асосан Ўзбекистан Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури буйича филиал бино иншоотларини жорий таъмирлаш объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш хизмати электрон давлат харидларни ташкил этиш ва ўтказиш танлов савдосини ўтказиш учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистан Республикасининг 2021 йил 22-апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни - 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни буйича “Проект-Сервис” МЧЖ томонидан берилган таклифлар электрон тартибда ўтказилган танловда комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари буйича электрон расмийлаштирилган баённома “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62-моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимиغا муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари буйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, буюртмачи ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин деб ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

РИКИА ТМ Наманган филиали директори



С.Муминов

РИКИА ТМ Наманган филиали бош ҳисобчиси

Ш.Фиёсов

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 104215 на приобретение Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий марказ Наманган филиали бино иншоатларини жорий таъмирлаш объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш**

Способ проведения электронный

Дата 22.06.2022

Время рассмотрения 22.06.2022 14:24

Конкурсная комиссия Вилоят кардиология маркази, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	MA'MUROV BOTIR ODILOVICH	Бош шифокор	РИКИАТМ Наманган филиали
<b>Секретарь комиссии</b>	ESHONOVA DILNOZA SODIRXONOVNA	Котиб (шартномалар буйича маъсул)	РИКИАТМ Нф
<b>Член комиссии</b>	MALIKOV KOMILJON KARIMJONOVICH	Булим мудир - аъзо	РИКИАТМ Нф
<b>Член комиссии</b>	JALILOV AKMALJON OLIMOVICH	Булим мудир - аъзо	РИКИАТМ Нф
<b>Член комиссии</b>	TURDIYEV VOXIDJON KARIMJONOVICH	Булим мудир - аъзо	РИКИАТМ Нф
<b>Член комиссии</b>	MANSUROV ODIL KARIMJANOVICH	Хужалик мудир	РИКИАТМ Наманган филиали

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 22.06.2022 года № лота 104215.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по разработке проектно-сметных работ</b>
Подробное описание	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	28 500 000.00
Стартовая сумма	28 500 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Мавжуд оргтехника (компьютер, принтер, лойиҳалаш дастурлари ) ва бошқалар рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: 6-Шакл

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>KELAJAK-S XK</b>	20	20	20	Экспертная		
<b>OOO PROEKT-SERVIS</b>	20	20	20	Экспертная		
<b>"ZIYOLI-LOYIHA" xususiy korxonasi</b>	20	20	18	Экспертная		

Критерий №2 Лойихачи ташкилотнинг ташкилий структураси

Тип: Текстовое значение

Описание: 1-Шакл

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>KELAJAK-S XK</b>	5	5	5	Экспертная		
<b>OOO PROEKT-SERVIS</b>	5	5	5	Экспертная		
<b>"ZIYOLI-LOYIHA" xususiy korxonasi</b>	5	5	3	Экспертная		

Критерий №3 Танлаш иштирокчисининг охирги уч йилда (2019-2020-2021) лойихалаш ишлари бўйича бажарган иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: 4-Шакл

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>KELAJAK-S XK</b>	20	20	18	Экспертная		
<b>OOO PROEKT-SERVIS</b>	20	20	20	Экспертная		
<b>"ZIYOLI-LOYIHA" xususiy korxonasi</b>	20	20	18	Экспертная		

Критерий №4 Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида ёрдамчи лойиха ташкилотни жалб қилиш тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: 7-Шакл

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>KELAJAK-S XK</b>	5	5	4	Экспертная		
<b>OOO PROEKT-SERVIS</b>	5	5	5	Экспертная		
<b>"ZIYOLI-LOYIHA" xususiy korxonasi</b>	5	5	4	Экспертная		

Критерий №5 Лойихачи ташкилот ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: 2-Шакл

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>KELAJAK-S XK</b>	15	15	15	Экспертная		
<b>OOO PROEKT-SERVIS</b>	15	15	15	Экспертная		
<b>"ZIYOLI-LOYIHA" xususiy korxonasi</b>	15	15	8	Экспертная		

Критерий №6 Лойихалаш (Қурилиш) майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: 5-Шакл

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>KELAJAK-S XK</b>	5	5	2	Экспертная		
<b>OOO PROEKT-SERVIS</b>	5	5	5	Экспертная		
<b>"ZIYOLI-LOYIHA" xususiy korxonasi</b>	5	5	2	Экспертная		

Критерий №7 Танлаш иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари, салоҳияти ( 2019-2020-2021 йиллар бўйича) тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: 3-Шакл

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>KELAJAK-S XK</b>	20	20	18	Экспертная		
<b>OOO PROEKT-SERVIS</b>	20	20	18	Экспертная		
<b>"ZIYOLI-LOYIHA" xususiy korxonasi</b>	20	20	15	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>KELAJAK-S XK</b>	28 500 000.00	27 000 000.00	18.06.2022 11:11:06	9.91
<b>"ZIYOLI-LOYIHA" xususiy korxonasi</b>	28 500 000.00	27 500 000.00	20.06.2022 12:14:32	9.73
<b>OOO PROEKT-SERVIS</b>	28 500 000.00	26 752 000.00	20.06.2022 10:11:25	10.00

Итоговая оценка участников включая финансовый части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>KELAJAK-S XK</b>	81.9999	9.90815	91.90805
<b>"ZIYOLI-LOYIHA" xususiy korxonasi</b>	68.0004	9.728	77.7284
<b>ООО ПРОЕКТ-SERVIS</b>	88.0002	10	98.0002

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 104215 от 22.06.2022 года на приобретение Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий марказ Наманган филиали бино иншоатларини жорий таъмирлаш объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш определила победителем:

ООО ПРОЕКТ-SERVIS  
200038319

и резервный исполнитель: KELAJAK-S XK (202430660)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Член комиссии</b>	JALILOV AKMALJON OLIMOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	MANSUROV ODIL KARIMJANOVICH	Согласен	
<b>Председатель комиссии</b>	MA'MUROV BOTIR ODILOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	TURDIYEV VOXIDJON KARIMJONOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	MALIKOV KOMILJON KARIMJONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП